

«Буюк алломалар юрти» туркум телекўрсатувлар тайёрланиши режалаштирилмоқда



11:13 / 15.04.2025 1513

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида «Буюк алломалар юрти (16-20 аср боши)» медиалойиҳаси ташкил этилиши кўзда тутилган.

Медиалойиҳа доирасида Ўзбекистон ҳудудида яшаб ижод қилган буюк алломалар, олимлар, уламолар, маданият ва санъат намояндалари, шоир ва ёзувчилар ҳақида маълумотлар базаси шакллантирилади.

Мамлакатимизда бошқа юртлардан келиб яшаган ва ижод қилган илм-фан, маданият ва санъат намояндалари ҳаёти ўрганилади ва рўйхати тузилади.

Тадқиқот натижасида «Буюк алломалар юрти» номли энциклопедия ва қисқача аннотациялар билан алломалар реестри шакллантирилади.

Бундан ташқари, туркум телекўрсатувлар тайёрланиши режалаштирилган.

Ўзбекистон тарихи давлат музейи бош ижрочилигида тайёрланиши кўзда тутилган медиалойиҳага, шунингдек, Ислом цивилизацияси маркази, Темурийлар тарихи давлат музейи, Шарқшунослик институти, WOSCU, Ўзбекистон халқаро ислом академияси каби ташкилотлар ҳам ҳамкорлик қилиши белгиланган.